



2012 йилнинг июнь ойида Буюк Британияда, давлатнинг нуфузли 40 уламоси иштирокида “кушларни техника оркали сўйиш”га багишланган конференция бўлиб ўтганди. Конференция хулосаларига кўра, кўпчилик уламо: “Кушларни техника оркали сўйишни халол санашга бўлмайди”, деган қарорга келган бўлсада, лекин аниқ бир тўхтамга келинмаган эди. Масалан, ишлаб чиқарувчиларга сертификат (рухсатнома) берувчи Халол озик-овкатлар бошқармаси (Halal Food Authority) “кушларни машина оркали сўйиш”ни Ислом шариатида тўлиқ мос келади, бундай сўйиш жоиз, деб ҳисоблаганди.

Узоқ давом этган суҳбат ва мунозаралардан сўнг, Халол озик-овкатлар бошқармаси 2014 йилнинг 3 мартдан бошлаб ўз қарорига тузатиш ҳамда ўзгартиришлар киритишни маъқул кўрди. Ва кушлар машина оркали сўйилганда уларга Халол рухсатномаси берилмаслигини маълум қилди.

Бундан ташқари, Халол бошқарув кенгаши (НАВ) жорий йилнинг 22 февралда “Механик (кўл ёрдамида) сўйишнинггина халол эканлиги” тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилиш учун махсус конференция ўтказди.

Конференцияда НМС ва НФА сингари халол сертификатлашнинг асосий қорхоналари, ҳамда масжид вакиллари билан шариат олимлари катнашадилар.

Кўриладиган масалалар сирасига асосан иккита мавзу киритилган:

1. “Кушларни машина ё техника оркали сўйиш – Ислом шариатида мос эмас, ҳаром. Ва Британия мусулмон жамиятида бунга рухсат берилмайди.
2. Фақатгина мусулмон қассоблар томонидан, ҳамда кўл ёрдамида сўйилган кушларгина халол ҳисобланади.

Осиёлик ишбилармонларнинг Йоркшир уюшмаси маслаҳатчиси Навид Саиднинг сўзларига кўра, натижада ушбу қароргача халол деб саналиб келган ва дўкон расталарида сотилаётган 1,8 миллион “техника оркали сўйилган куш” йўқ қилинади.

Энг ожиз банди тайёрлади